

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРИ

Xurramov Alisher Suyunovich

©O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti mustaqil izlanuvchisi.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18378427>

Аннотация. Тезисда глобллашув ва рақамли трансформация шароитида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини репрессив ёндашувдан далилга асосланган (evidence-based) эрта интервенция, ижтимоий реабилитация ва инновацион мониторинг механизмларига йўналтириши зарурати асосланади. Ҳалқаро рейтинглар (GPI ва бошқалар) контекстида ривожланган давлатларда самара берган моделлар — муҳитни ўзгартиришига қаратилган профилактика, диверсия (афлия тизимидан “чалғитиши”), ресторатив ёндашув, мактаб–полиция–ижтимоий хизматлар интеграцияси каби инструментлар қиёсий таҳлил қилинади. Шунингдек, миллий амалиёт учун риск омилларини ҳудудий кесимда аниқлайдиган **миллий мониторинг** институтини ҳуқуқий мустаҳкамлаш, профилактикага ижтимоий-иқтисодий стимуллар (масалан, “ижтимоий ваучер”) ва идоралараро ҳимояланган электрон ҳамкорлик механизмларини жорий этиши бўйича таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарликлари; профилактика; эрта интервенция; риск омиллари; миллий мониторинг; диверсия; ресторатив адолат; институционал ҳамкорлик; рақамли профилактика; ижтимоий реабилитация; жамоатчилик назорати.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В тезисе обосновывается необходимость модернизации профилактики молодежных правонарушений в условиях глобализации и цифровой трансформации: от преимущественно карательной модели — к доказательной профилактике, раннему вмешательству, социальной реабилитации и инновационному мониторингу рисков. На основе сравнительного анализа практик развитых государств рассматриваются эффективные инструменты: профилактика через изменение социальной среды, диверсия (отвлечение от уголовной юстиции), восстановительные (restorative) подходы, межведомственная интеграция «школа–полиция–социальные службы». Отдельно формулируются предложения для национальной практики: нормативное закрепление института **национального мониторинга факторов риска** с территориальной детализацией, внедрение социально-экономических стимулов (например, системы «социального ваучера»), а также защищенных цифровых механизмов межведомственного взаимодействия в профилактике и реабилитации.

Ключевые слова: молодежные правонарушения; профилактика; раннее вмешательство; факторы риска; национальный мониторинг; диверсия; восстановительное правосудие; межведомственное взаимодействие; цифровая профилактика; социальная реабилитация; общественный контроль.

INTERNATIONAL EXPERIENCE IN PREVENTING YOUTH OFFENDING

Abstract. In this abstract substantiates the need to redesign youth-offending prevention under globalization and digital transformation by shifting from predominantly punitive responses

to evidence-based prevention, early intervention, social rehabilitation, and innovative risk monitoring. Using comparative analysis of successful practices in developed countries, it outlines key instruments such as environment-focused prevention, diversion from formal justice pathways, restorative approaches, and integrated multi-agency coordination (school–police–social services). The paper further proposes policy directions for national implementation, including the legal institutionalization of an annual **national risk-factor monitoring** framework with district-level profiling, the use of socio-economic incentives (e.g., a “social voucher” mechanism) to influence protective environments, and secure digital platforms for interagency information exchange strictly for preventive and rehabilitation purposes.

Keywords: youth offending; prevention; early intervention; risk factors; national monitoring; diversion; restorative justice; interagency coordination; digital prevention; social rehabilitation; community oversight.

Бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг реал самарадорлиги фақат миллий қонунчилик ва ички ижтимоий омиллар билан эмас, балки мамлакатни ўраб турган глобал хавфсизлик муҳитидаги ўзгаришлар (зўравонлик ва низолар динамикаси, жиноятчиликнинг трансмиллийлашуви, миграцион босим, радикаллашув хавфлари, рақамли макондаги криминоген трендлар) билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу сабабли профилактика сиёсатини баҳолашда “ички” кўрсаткичлар билан чекланиб қолиш, айрим ҳудудларда ёшлар криминоген ҳуқ-атворининг сабаблари ва триггерларини тўлиқ очиб бермаслиги мумкин; аксинча, глобал тенденциялар билан боғланган хавфларни ҳисобга олиш профилактика чораларини *барвақт огоҳлантириш, рискка асосланган тарзда сегментация қилиш* ва ресурсларни мақсадли йўналтириш учун методологик асос яратди.

Ушбу долзарбликни эмпирик-қиёсий жиҳатдан мустаҳкамловчи ишончли манбалардан бири сифатида Institute for Economics & Peace томонидан тайёрланадиган *Global Peace Index*нинг аҳамияти юқори: у 23 та сифат ва миқдорий индикаторлар асосида тинчлик ҳолатини уч домен кесимида баҳолаб, 163 та давлат ва ҳудуд бўйича қиёсий рейтинг тақдим этади. Шу боис GPI методологиясини профилактика тадқиқотида интеграция қилиш ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини баҳолашда ташқи хавфсизлик муҳитини “фон” эмас, балки *ўлчанадиган таъсир омиллари* сифатида кўришга, миллий профилактика моделини эса халқаро кўрсаткичлар билан қиёслаб, институционал ва ҳуқуқий чораларнинг қайси йўналишларда кучайтирилиши зарурлигини илмий асосда белгилашга хизмат қилади.

Шунингдек, 2025 йилги GPI натижаларига кўра, глобал миқёсда тинчлик даражасининг ўртача кўрсаткичи 2024 йилга нисбатан 0,36 фоизга ёмонлашган бўлиб, бу тинчлик динамикасидаги 17 йиллик кузатув даврида 13-март пасайиш қайд этилаётганини англатади¹.

Шунингдек, 2025 йил мобайнида 74 та давлатда тинчлик кўрсаткичи яхшилангани, 87 та давлатда эса ёмонлашгани кўрсатилиб, мазкур ҳолат глобал хавфсизлик архитектурасида асимметрик тенденция — айрим давлатлар “*барқарорлик*”

¹ Global Peace Index 2025 // <https://www.visionofhumanity.org/wp-content/uploads/-/2025/06/Global-Peace-Index-2025-web.pdf>

траекториясини сақлаб қолаётгани, бошқа бир қисмида эса конфликтогенлик ва милитаризация омилларининг кучайиши — мавжудлигини илмий жиҳатдан тасдиқлайди².

Ҳисоботнинг минтақавий хулосаларига кўра, Ғарбий ва Марказий Европа 2025 йилда ҳам дунёдаги энг тинч минтақа сифатида белгиланиб, у “*энг тинч 10 давлат*”нинг саккизтасини ўз ичига олгани қайд этилади. Бу эса хавфсизликни таъминлашда институционал барқарорлик, ҳуқуқ устуворлиги ва ижтимоий ишонч (Positive Peace) омиллари юқори бўлган мамлакатлар “*етакчи*” кластер сифатида сақланиб қолаётганини кўрсатади³. Айни пайтда, Осиё–Тинч океани минтақаси доирасида Янги Зеландия (*умумий рейтингда 3-ўрин*) ва Сингапур (*умумий рейтингда 6-ўрин*) каби давлатларнинг юқори поғоналарда қайд этилиши хавфсизлик архитектурасининг самарадорлиги фақат географик омиллар билан эмас, балки профилактика-институционал моделнинг сифати, ижтимоий барқарорлик ва хавфларни бошқариш механизмларининг ишончилиги билан белгиланишини кўрсатади⁴.

Global Peace Index 2025 – Top 10 Давлатлар Рейтинги ва Динамикаси⁵

Рейтинг (2025)	Давлат	GPI Балли (2025)	Ўзгариш (2024 га нисбатан)	Асосий Криминологик ва Ижтимоий Омиллар
1	Исландия	1.095	↔ (Ўзгаришсиз)	17 йил давомида дунёдаги энг тинч давлат. Зўравонлик жиноятларининг деярли йўқлиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва “ <i>Planet Youth</i> ” моделининг муваффақияти.
2	Ирландия	1.260	↔ (Ўзгаришсиз)	Сиёсий барқарорлик, милитаризациянинг пастлиги, жиноятчиликни қабул қилиш даражасининг пасайиши ва самарали ёшлар диверсия дастурлари.
3	Янги Зеландия	1.282	↑ 2 (Ўсиш)	Осиё–Тинч океани минтақасида энг хавфсиз. Ички ва ташқи можароларнинг йўқлиги, ресторатив адолатнинг (<i>оила конференциялари</i>) кенг қўлланилиши.
4	Австрия	1.294	↓ 1 (Пасайиш)	Ижтимоий хавфсизликнинг юқорилиги,

² Ўша манбаа: <https://www.visionofhumanity.org/wp-content/uploads/-2025/06/Global-Peace-Index-2025-web.pdf>

³ Institute for Economics & Peace (IEP). *Global Peace Index 2025: Measuring peace in a complex world*. — Sydney: IEP, 2025. — P. 3 ва P. 21

⁴ Institute for Economics & Peace (IEP). *Global Peace Index 2025: Measuring peace in a complex world*. — Sydney: IEP, 2025. — P. 15, Table 1.5

⁵ The 10 Most Peaceful Countries in the World in 2025: Resilience Amid Rising Global Instability // [10 Most Peaceful Countries in 2025](#) // [Safest Countries in the World in 2025 - GPI Rankings, Human Rights, LGBTQIA+ Rights & More](#)

Рейтинг (2025)	Давлат	GPI Балли (2025)	Ўзгариш (2024 га нисбатан)	Асосий Криминологик ва Ижтимоий Омиллар
				лекин рейтингда бироз пасайиш кузатилди. Марказий Европадаги барқарорлик таянчи.
5	Швейцария	1.294	↓ 1 (Пасайиш)	Нейтраллик сиёсати, институционал ишонч, паст қамоқхона индекси ва ёшларга қаратилган таълимий жазо тизими.
6	Сингапур	1.357	↔ (Ўзгаришсиз)	Жануби-Шарқий Осиёда етакчи. Қаттиқ қонунчилик, юқори технологик назорат ва “Zero Tolerance” сиёсати.
7	Португалия	1.371	↑ 1 (Ўсиш)	Жиноятчилик даражасининг пасайиши, сиёсий барқарорлик ва наркотик сиёсатидаги декриминалаизация муваффақияти.
8	Дания	1.393	↓ 1 (Пасайиш)	Милитаризация соҳасида бироз ўзгаришлар, лекин ижтимоий хавфсизлик ва SSP модели (<i>Мактаб-Полиция-Ижтимоӣ хизмат</i>) аъло даражада.
9	Словения	1.409	↔ (Ўзгаришсиз)	Минтақавий барқарорлик, самарали ички бошқарув ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кучли ижтимоий кафолатлар.
10	Финляндия	1.420	↑ 1 (Ўсиш)	Топ-10 ликка қайтиш. Криминал вазиятни идрок этиш яхшиланган, “ <i>Ankkuri</i> ” полиция модели самарадорлиги ошган.

Ушбу давлатларнинг умумий хусусияти шундаки, улар “*Ижобий Тинчлик*” (Positive Peace) концепциясига таянадилар. Бу концепция тинчликни шунчаки уруш ёки зўравонликнинг йўқлиги деб эмас, балки тинч жамиятни яратувчи ва мустаҳкамловчи муносабатлар, институтлар ва тузилмалар мажмуи сифатида таърифлайди. Ижобий Тинчликнинг саккиз устуни – жумладан, яхши ишлайдиган ҳукумат, коррупциянинг паст даражаси, инсон капиталининг юқори даражаси ва ресурсларнинг тенг тақсимланиши ушбу давлатларда ёшлар жиноятчилигини тизимли равишда камайтиришга хизмат қилади.

Хусусан, *Исландия давлати* 2025 йилда ҳам кетма-кет 17 йил давомида дунёнинг энг тинч ва хавфсиз давлати деб топилди.

Ушбу феноменал муваффақиятнинг негизида 1990 йилларнинг охирида, исландиялик ўсмирлар орасида алкоголь ва гиёҳвандлик эпидемияси авж олган пайтда ишлаб чиқилган ва бугунги кунда глобал брендга айланган “Planet Youth” (Исландия Профилактика Модели) ётади⁶. Мазкур “Planet Youth” модели анъанавий “маърифий” ёндашувлардан (ёшларга зарарли одатлар ҳақида шунчаки маъруза ўқиш ёки қўрқитиш) воз кечиб, бирламчи профилактика (primary prevention) ва муҳитни ўзгартириш (environmental modification) стратегиясига асосланади. Моделнинг назарий пойдевори Travis Hirschi ижтимоий назорат назарияси ва ижтимоий капитал назариясига бориб тақалади. Бу назарияларга кўра, агар ёшлар ўз оиласи, мактаби ва жамияти билан мустаҳкам ришталарга (bond) эга бўлса, улар девиант хулқ-атворни намоён этиш эҳтимоли кескин камаяди.

Жумладан, ҳар йили мактабларда 10-16 ёшли ўқувчилар ўртасида кенг қамровли ва аноним сўровномалар ўтказилади. Бу сўровномалар ёшларнинг ҳаёт тарзи, руҳий ҳолати, оилавий муносабатлари ва хавф омиллари (risk factors) ҳақида реал вақт режимидаги маълумотларни беради. 2024-2025 йилларда олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, оналар билан сифатли вақт ўтказиш (parental monitoring va time spent with parents) ва ташиқлаштирилган спорт машғулотида қатнашиш ҳуқуқбузарликни камайтирувчи энг кучли ҳимоя омилларидир⁷. Шунингдек, мазкур модел ёшларнинг миясидаги биокимёвий жараёнларни ҳисобга олади. Гиёҳванд моддалар ёки алкоголь берадиган допамин (завқ гормони) эффектини табиий йўллар – спорт, санъат, мусиқа ва рақс орқали олиш таклиф этилади. Бундан ташқари, давлат ҳар бир болага (даромадидан қатъи назар) спорт ва санъат тўғараклари учун йиллик ваучерлар (Leisure Card - тахминан 330-400 АҚШ доллари эквиваленти) тақдим этади. Бу ёшларни назоратсиз “қўча тарбияси”дан узоқлаштиради ва уларни ижобий ижтимоий муҳитга интеграция қилади⁸.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Исландияда ёшлар жиноятчилиги ўта паст даражада барқарорлашгандир. Жумладан, ёшлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти мулккий характерда (майда ўғирлик, вандализм) бўлиб, шахсга қарши зўравонлик билан боғлиқ ҳолатлар жуда кам учрайди. 2024 йилги маълумотларга кўра, одам савдоси қурбонлари аниқланган, аммо уларнинг сони жуда оз (37 нафар) ва барчаси хорижий фуқаролардир, бу эса маҳаллий ёшларнинг ҳимояланганлигини кўрсатади⁹.

Шунингдек, Исландия полицияси ходимлари кундалик хизматда ўқотар қурол олиб юрмайди. Бу ёшларда полицияга нисбатан кўркув эмас, балки ишонч ва ҳурмат ҳиссини шакллантиради. Аҳолининг 97 фоизи тунда ёлғиз юришда ўзини хавфсиз ҳис қилишини билдирган¹⁰. Биргина 2024 йилги илмий таҳлиллар шуни тасдиқладики, ҳафтасига 3-4 марта спорт билан шуғулланадиган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик содир этиш, чекиш ва ичиш эҳтимоли шуғулланмайдиганларга қараганда бир неча баробар паст.

⁶ <https://www.visionofhumanity.org/10-most-peaceful-countries-in-the-world-in-2025/>

⁷ <https://www.frontiersin.org/journals/public-health/articles/10.3389/fpubh.2023.1117857/full>

⁸ https://www.researchgate.net/publication/395833930_DEALING_WITH_JUVENILE_-DELINQUENCY_THE_RELEVANCE_OF_ICELANDIC_PREVENTION_MODEL_TO_MALAYSIA

⁹ <https://www.ecoi.net/en/document/2130622.html>

¹⁰ <https://citizenx.com/insights/safest-countries-in-the-world/>

Модел ишга тушгандан бери ўсмирлар ўртасида ичкиликбозлик даражаси 42% дан (1998 й.) 5% га (2020 й.) тушиб кетган¹¹.

Ирландия давлати эса GPI-2025 рейтингда 2-ўринни эгаллаб, ўзининг ижтимоий хавфсизлик тизимини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Ирландия моделининг ўзига хослиги ва муваффақияти сири бу *Garda Youth Diversion Projects (GYDP)* тизими ва ёшларни жиноий адлия тизимидан чалғитиш (diversion) сиёсатидир¹². Ирландия қонунчилиги ва амалиёти “*Labelling Theory*” (Тамғалаш назарияси)га асосланади. Бу назарияга кўра, ёш болани эрта босқичда “*жиноятчи*” деб тамғалаш ва уни суд қилиш, аслида унинг келажакдаги криминал карьерасини бошлаб бериши мумкин. Шу сабабли, Ирландия полицияси (An Garda Síochána) жиноят содир этган ёшларга нисбатан дарҳол жиноий иш кўзгатиш ва судга бериш ўрнига, уни махсус *диверсия лойиҳасига* йўналтиради.

Жумладан, 2025 йил охирига келиб, Ирландия ҳукумати GYDP тармоғини бутун мамлакат бўйлаб тўлиқ қоплашга эришди. Ҳозирда 101 дан ортиқ лойиҳалар фаолият юритмоқда. Лойиҳалар асосан 12-17 ёшли “*хавф гуруҳидаги*” ўсмирларга қаратилган бўлиб, 2024-2025 йилларда 8-11 ёшли болалар билан эрта ишлаш амалиёти ҳам жорий этилди. Бу “*эрта аралашув*” (early intervention) стратегиясининг бир қисмидир¹³. Шу ўринда, 2025 йилги давлат бюджетда ёшлар адлияси ва диверсион лойиҳалар учун ажратилган маблағ 36 миллион евродан ошди. Бу 2020 йилдаги 18 миллион еврога нисбатан икки баравар кўпдир, бу эса ҳукуматнинг репрессиядан кўра профилактикага инвестиция киритаётганини англатади¹⁴.

Мазкур давлатнинг ҳар бир ҳудудида махсус тайёргарликдан ўтган “*Juvenile Liaison Officers*” (JLO) фаолият юритади. Улар ёш ҳуқуқбузар билан расмий огоҳлантириш (caution) бериш жараёнини бошқаради ва унинг хулқ-атворини назорат қилади. Шунингдек, Ирландияда ёшларни жиноий гуруҳларга жалб қилиш (grooming) муаммосига қарши инновацион “*Greentown*” дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур илмий тадқиқотларга асосланган бўлиб, жиноий тармоқларнинг ёшларга таъсирини камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, Ирландия давлатида 2024 йил март ойида қабул қилинган “*Criminal Justice (Engagement of Children in Criminal Activity) Act 2024*” қонуни болаларни жиноятга ундаган, мажбурлаган ёки жалб қилган катта ёшдаги шахсларга нисбатан жавобгарликни кескин кучайтирди. Эндиликда болани жиноятга жалб қилиш алоҳида оғир жиноят ҳисобланади. Бу қонун 2025 йилда ўзининг дастлабки натижаларини бериб, ёшларни жиноий тўдалардан ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий қалқон бўлди¹⁵.

Мазкур ислохот натижасида 2024 йилда қайд этилган умумий жиноятлар сони 2019 йилга нисбатан 7% га камайган.

¹¹ Planet Youth Guidance Program // [Planet Youth Guidance Program | Global Coalition to Address Synthetic Drug Threats](https://www.planetyouthguidance.org/)

¹² <https://www.visionofhumanity.org/10-most-peaceful-countries-in-the-world-in-2025/> / <https://freedomforallamericans.org/safest-countries-in-the-world/>

¹³ <https://www.gov.ie/en/department-of-justice-home-affairs-and-migration/collections/-youth-diversion-projects/>

¹⁴ <https://www.oireachtas.ie/en/debates/question/2025-05-15/156/>

¹⁵ <https://www.drugsandalcohol.ie/42100/>

Хусусан, тажовузор ўғирлик (aggravated burglary) 25% га, шахсга қарши талончилик 24% га кескин камайган¹⁶. Шунингдек, 2024 йилда Ресторатив адолат (*тикловчи адолат*) дастурларига йўналтириш ҳолатлари 2023 йилга нисбатан 88% га ошиб, 842 та ҳолатни ташкил этди. Полиция томонидан қўлланилган “*ресторатив огоҳлантиришлар*” (restorative cautions) билан бирга умумий кўрсаткич 1140 тага етди (+50%). Бу жазолашдан кўра, зарарни қоплаш ва жабрланувчи билан ярашувга урғу берилаётганини англатади¹⁷. Бундан ташқари, 2025 йилнинг биринчи ярмида 6,500 дан ортиқ ҳолатда ёшлар Болалар тўғрисидаги қонунга (Children Act 2001) мувофиқ Вояга етмаганлар Диверсия Дастурига (*Juvenile Diversion Programme*) йўналтирилган¹⁸.

Янги Зеландия давлати эса GPI-2025 рейтингида 3-ўринни эгаллаб, Осиё-Тинч океани минтақасидаги энг тинч давлат мақомини сақлаб қолди. Мамлакатнинг ёшлар жиноятчилигига қарши кураш модели тубжой аҳоли (Маори) кадриятларини замонавий юриспруденция билан уйғунлаштиргани ва дунёга машҳур *Family Group Conferences (FGC)* тизимини жорий этгани билан ажралиб туради. Бу модел 1989 йилда қабул қилинган инқилобий “*Children, Young Persons, and Their Families Act*” (ҳозирги кунда *Oranga Tamariki Act* деб юритилади) асосида шаклланган. FGC анъанавий ғарб суд тизимидан (adversarial system) фарқли ўлароқ, Маори халқининг жамоавий қарор қабул қилиш анъаналарига асосланади.

Шунингдек, мазкур давлатда жиноят содир этган ёш шахс (*агар жиноят ўта оғир бўлмаса*) судга олиб борилмайди. Унинг ўрнига, вояга етмаган ҳуқуқбузар, жабрланувчи, полиция вакили, ижтимоий ходим ва энг муҳими – ҳуқуқбузарнинг кенгайтирилган оила аъзолари бир стол атрофида йиғиладилар. Мақсад – болани жазолаш эмас, балки:

- қилмишининг оқибатларини тушунтириш (*accountability*);
- етказилган зарарни қоплаш (*reparation*);
- тақрорланишининг олдини олиш режасини тузиш (*prevention*).

Биргина 2023-2024 йиллар мобайнида ёшлар адлияси 2000 дан ортиқ FGC ўтказилган. Ўзиборли жиҳати, ушбу конференцияларнинг 70 фоизи Маори ёшлари иштирокида ўтган. Бу тизимнинг этник жиҳатдан сезгирлигини ва туб аҳоли муаммоларига қаратилганлигини кўрсатади, гарчи Маори ёшларининг жиноятчиликдаги номутаносиб улуши сақланиб қолаётган бўлса-да¹⁹. Шунингдек, 1989 йилдан бери ёшлар судига оширилган ишлар сони кескин камайган. Ҳозирги кунда ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг тахминан 75 фоизи расмий огоҳлантириш (*police warnings*) ва полиция диверсия дастурлари (Police Youth Aid) орқали ҳал қилинмоқда. Фақатгина энг оғир ва мураккаб ҳолатлар (тахминан 25%) судгача етиб боради²⁰. Янги Зеландия полициясининг 2024 йилги маълумотларига кўра, ёшлар ўртасида энг кўп тарқалган ҳуқуқбузарликлар ўғирлик ва мулкка зарар етказишдир.

¹⁶ <https://www.garda.ie/en/about-us/our-departments/office-of-corporate-communications/-press-releases/2025/august/an-garda-siochana-provisional-crime-statistics-h1-2025-ytd-end-june-2025-.html>

¹⁷ <https://restorativejustice.ie/2025/09/07/restorative-justice-referrals-increase-provision-ex-pands-in-2024/>

¹⁸ <https://www.garda.ie/en/about-us/our-departments/office-of-corporate-communications/-press-releases/2025/august/an-garda-siochana-provisional-crime-statistics-h1-2025-ytd-end-june-2025-.html>

¹⁹ <https://aroturuki.govt.nz/reports/outcomes-23-24/fgc>

²⁰ <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/10282580.2025.2519736>

Бироқ, оғир зўравонлик жиноятлари сони паст даражада сақланиб турибди. 2025 йилги GPI ҳисоботида Янги Зеландиянинг “*Хавфсизлик ва Ҳимоя*” доменидаги кўрсаткичлари, хусусан, ички можароларнинг йўқлиги ва сиёсий барқарорлик ҳисобига 3.1 фоизга яхшилангани қайд этилган²¹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, FGC тизими ёшларда уят ҳиссини “қайта интеграцияловчи уят” (reintegrative shaming – John Braithwaite назарияси) сифатида шакллантиради. Яъни, бола ўз қилмишидан уялади, лекин у жамиятдан четлатилмайди, аксинча, оиласи ва жабрланувчи томонидан кечирилиши ва қўллаб-қувватланиши орқали тўғри йўлга қайтади.

Австрия давлати бугунги кунда GPI-2025 рейтингда 4-ўринда жойлашган бўлиб, Марказий Европадаги хавфсизлик ва барқарорлик намунаси ҳисобланади. Австрия модели жазолашдан кўра, *пробация (синов муддати)*, *ижтимоий хизматлар* ва *жабрланувчи билан ярашишга* (Tatausgleich) асосланади. Бугунги кунда “*Neustart*” Австриядаги энг йирик нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, Адлия вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Унинг асосий миссияси – жиноят содир этган шахсларни, айниқса ёшларни жамиятга қайтариш ва уларга ёрдам беришдир.

Австрия қонунчилиги (Jugendgerichtsgesetz)га кўра 21 ёшгача бўлган шахсларни қамоққа олишни энг сўнгги чора (*ultima ratio*) сифатида белгилайди. 14 ёшгача бўлган болалар умуман жиноий жавобгарликка тортилмайди (*Strafmündigkeit*), улар билан фақат ижтимоий хизматлар (*Jugendamt*) шуғулланади. Агар 14 ёшга тўлган ўсмир жиноят содир этса, унга нисбатан тарбиявий чоралар (*Erziehungsmaßnahmen*) қўллаш афзал кўрилади. Бу механизм ёшларга судланганлик тамғасини олмасдан, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, узр сўраш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилиш имконини беради. Бу жараён профессионал медиаторлар томонидан бошқарилади.

Бугунги кунда Австрияда ёшлар жиноятчилиги (Jugendkriminalität) сўнгги 10 йилда барқарор пасайиш тенденциясига эга (тахминан 15% га камайган). Гарчи 2023-2024 йилларда айрим статистик ўсишлар кузатилган бўлса-да, бу кўпроқ статистика юритиш методологиясидаги ўзгаришлар ва кибержиноятларнинг аниқланиши билан боғлиқдир. Хусусан, 2024 йилда бутун Австрия бўйлаб нотаниш шахслар томонидан содир этилган қотилликлар сони атиги 15 тани ташкил этган, бу 9 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган давлат учун жуда паст кўрсаткичдир²².

Бугунги кунда, Австрияда “*Linz Süd*” каби маҳаллий лойиҳалар полиция ва жамоат гуруҳларининг “*хавфли*” деб ҳисобланган ҳудудларда ёшлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишини таъминлайди. Ушбу ёндашув натижасида, полиция маълумотларига кўра, лойиҳа ҳудудларида хавфсизлик вазияти сезиларли даражада яхшиланган²³.

Швейцария давлатида 2025 йилги рейтингда 5-ўринни эгаллади. Цюрих Университетининг узок муддатли “*Zurich Project on Social Development from Childhood to Adulthood*” (z-proso) лойиҳаси Швейцария моделининг самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш имконини беради.

²¹ <https://www.visionofhumanity.org/10-most-peaceful-countries-in-the-world-in-2025/>

²² https://www.reddit.com/r/AskAustria/comments/1p24gv3/how_has_austria_dealt_with_the_increasing/

²³ https://www.reddit.com/r/AskAustria/comments/1p24gv3/how_has_austria_dealt_with_the_increasing/

Жумладан, 2024-2025 йилларда эълон қилинган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ёшлар жиноятчилигига энг катта таъсир кўрсатувчи омиллар бу – *индивидуал хусусиятлар* (ўзини назорат қила олиш) ва *ижтимоий муҳитдир*. Мазкур давлатда қатъий жазо чоралари (масалан, қамоқ) енгил жазо чораларига (масалан, жамоат ишлари) қараганда рецидивни камайтиришда самаралироқ эмас. Аксинча, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва терапия олган ёшларда қайта жиноят содир этиш хавфи пастроқ бўлади²⁴. Шунингдек, прокурорлар қарор қабул қилишда асосан рецидив хавфи ва жиноят турига таянадилар, лекин ҳар доим “*Ҳимоя ва Тарбия*” тамойилига содиқ қоладилар.

Сингапур давлати 2025 йилда дунёда 6-ўринни, Осиёда эса етакчи ўринни эгаллади. Сингапур модели “*Zero Tolerance*” (жиноятга тоқатсизлик), қатъий қонунлар ва кучли реабилитация дастурларининг ноёб уйғунлигига, шунингдек, юқори технологик назоратга асосланади.

Бугунги кунда Сингапурда ёш ҳуқуқбузарлар учун *Triage System* (Саралаш тизими) мавжуд бўлиб, у полиция бўлимидаёқ ишга тушади. Бу тизим ёшларни хавф даражасига қараб таснифлайди. Агар ёш шахс биринчи марта енгил жиноят (масалан, майда ўғирлик) содир этса, у суд қилинмайди, балки “*Guidance Programme*” (GP)га юборилади. “*Guidance Programme*”нинг моҳияти шундаки, бу 6 ойлик дастур бўлиб, унда ёшлар психологик маслаҳат оладилар, гуруҳли машғулотларда қатнашадилар ва оилавий муносабатларни тиклашга ҳаракат қиладилар. Дастурни муваффақиятли тугатганлар полиция огоҳлантириши билан қутуладилар ва судланганлик мақомини олмайдилар²⁵.

Сингапур Полиция Кучларининг (SPF) 2024 йилги йиллик ҳисоботида кўра, мамлакатда жисмоний жиноятлар сони барқарор бўлиб қолмоқда, бироқ айрим турларида ўсиш кузатилган. Хусусан, 2024 йилда дўкон ўғирлиги ҳолатлари 7.6% га ошиб, 4,237 тани ташкил этди. Бу барча жисмоний жиноятларнинг 21.2% ини ташкил қилади. Қизиқарли жиҳати шундаки, бу ўсиш жиноятчиликнинг реал ошиши билан эмас, балки чакана савдо нуқталарида замонавий CCTV камералари ва “*Shop Theft Awareness for Retailers*” (STAR) дастурининг жорий этилиши натижасида аниқлаш даражасининг яхшилангани билан изоҳланади. Ёшлар кўпинча косметика, озиқ-овқат ва ичимликларни ўғирлашда қўлга тушмоқда²⁶.

Бундан ташқари, 2024 йилда фирибгарлик (scams) ва кибержиноятлар сони 10.8% га ошиб, 55,810 тани ташкил этди. Қурбонларнинг 70.9% 50 ёшгача бўлган шахлар ташкил этмоқда. Ёшлар кўпроқ электрон тижорат (e-commerce) фирибгарлиги, ишга жойлашиш фирибгарлиги ва фишинг қурбонига айланмоқда²⁷.

Португалия давлати 2025 йилги рейтингда 7-ўринга кўтарилди. Мамлакатнинг ёшлар сиёсати *репрессиядан педагогикага* ўтишни ва инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни намоиш этади.

²⁴ https://www.ius.uzh.ch/dam/jcr:eb6f6b00-9a4c-4c69-b851-3007720470bc/Ege_et_al_-NKrim_2025-2.pdf

²⁵ https://aichr.org/wp-content/uploads/2023/05/Adopted-ad-ref_Final-Report-of-Thematic-Study-on-Juvenile-Justice-on-01-April-2023.pdf

²⁶ <https://www.straitstimes.com/singapore/more-shop-theft-voyeurism-knife-related-cases-but-fewer-rapes-in-2024-police>

²⁷ https://www.scamshield.gov.sg/files/Scams%20and%20Cybercrime%20Briefs/2024_-annual_scams_and_cybercrime_brief.pdf

2024 йилда Португалияда ёшларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини баҳолаш учун “*Youth Level of Service/Case Management Inventory*” (YLS/CMI) халқаро воситасининг самарадорлиги илмий жиҳатдан тасдиқланди. 608 нафар ёш ҳуқуқбузар иштирокида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ушбу восита ёшларнинг рецидив хавфини аниқ башорат қила олади. Бу эса судьялар ва ижтимоий ходимларга ҳар бир бола учун энг мос келадиган индивидуал профилактика дастурини танлашда ёрдам беради²⁸.

Шунингдек, 2022-2024 йилларда амалга оширилган халқаро **X-MEN** лойиҳаси доирасида ёш йигитлар орасида зўравонликсиз маскулитет (эркаклик) тушунчасини шакллантириш ва эмпатияни ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу гендерга асосланган зўравонликнинг олдини олишда муҳим қадамдир²⁹.

Дания давлати 2025 йилда 8-ўринни эгаллади. Даниянинг ёшлар жиноятчилигига қарши кураш тизими дунёдаги энг самарали ва интеграциялашган идоралараро ҳамкорлик модели – **SSP** га таянади³⁰.

SSP – бу мактаб (Skole), ижтимоий хизматлар (Socialforvaltning) ва полиция (Politi) ўртасидаги расмийлаштирилган ва тизимли ҳамкорликдир. Бу моделда ҳеч қайси ташкилот якка ўзи ҳаракат қилмайди. Мазкур модел уч даражали профилактикада амалга оширилади. Булар:

1. Умумий: Барча ўқувчилар учун мактабларда ҳуқуқий саводхонлик ва соғлом турмуш тарзи дарслари.

2. Махсус (Гуруҳли): Хавф гуруҳидаги (масалан, дарс қолдирувчи ёки безори) ёшлар билан ишлаш.

3. Индивидуал: Жиноят содир этган ёки этиш эҳтимоли ўта юқори бўлган аниқ шахслар билан индивидуал режа асосида ишлаш³¹.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Дания қонунчилиги ушбу учта тузилма ўртасида ёшлар ҳақидаги нозик маълумотларни алмашишга рухсат беради (шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш қоидаларига риоя қилган ҳолда). Масалан, ўқитувчи ўқувчининг ҳулқида ўзгариш сезса, бу ҳақда дарҳол SSP координатори орқали полиция ва ижтимоий ходимга хабар бериши мумкин. Бу муаммони у жиноятга айланмасдан олдин аниқлаш ва ҳал қилиш имконини беради. Хусусан, 2024 йилда ўтказилган академик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, SSP моделининг муваффақияти нафақат тузилмага, балки мутахассислар (ўқитувчи ва полициячи) ўртасидаги ўзаро касбий ишончга боғлиқ. Сиёсий қарорларнинг легитимлиги (адолатли деб қабул қилиниши) бу ҳамкорликни янада кучайтиради³².

Жаҳон тажрибасининг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юқори натижаларга эришган давлатлар репрессив чоралардан кўра, илмий асосланган ижтимоий профилактика, диверсия (жазодан

²⁸ https://www.researchgate.net/publication/380397635_Predictive_Validity_of_the_YLSCMI_in_a_Sample_of_Portuguese_Young_Offenders

²⁹ <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC12657155/>

³⁰ <https://www.visionofhumanity.org/10-most-peaceful-countries-in-the-world-in-2025/>

³¹ https://www.researchgate.net/publication/284518099_The_Danish_SSP_model_-_prevention_through_support_and_co-operation

³² <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/09546553.2025.2544632?af=R>

чалғишуу) ва тиклаш (*restorative*) механизмларига устуворлик беради. Глобал Тинчлик Индекси (GPI-2025) рейтингда етакчи ўринларни эгаллаган давлатларнинг тажрибаси ушбу ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Жаҳон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юқори натижаларга эришган давлатлар репрессив чоралардан кўра, илмий асосланган ижтимоий профилактика, диверсия (*жазодан чалғишуу*) ва тиклаш (*restorative*) механизмларига устуворлик беради. Хусусан, Глобал Тинчлик Индекси (GPI-2025) рейтингда етакчи ўринларни эгаллаган давлатларнинг тажрибаси ушбу ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Профилактиканинг институционал ва муҳитга оид ёндашувлари бўйича Исландия тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. 2025 йилда ҳам кетма-кет 17 йил давомида дунёнинг энг хавфсиз давлати деб топилган ушбу мамлакат муваффақиятининг негизида “*Planet Youth*” (Исландия Профилактика Модели) ётади³³. Мазкур модел анъанавий “*маърифий*” ёндашувлардан (шунчаки маъруза ўқиш) воз кечиб, *Т. Хиришининг* ижтимоий назорат назариясига асосланган ҳолда, ёшларнинг оила, мактаб ва жамият билан ришталарини мустаҳкамлаш орқали муҳитни ўзгартириш (*environmental modification*) стратегиясини қўллайди.

Ушбу модел доирасида мактабларда 10-16 ёшли ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган кенг қамровли ва аноним сўровномалар ёшларнинг ҳаёт тарзи ва хавф омиллари (*risk factors*) ҳақида реал вақт режимидаги маълумотларни шакллантиришга хизмат қилади. 2024-2025 йиллардаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, ота-оналар билан сифатли вақт ўтказиш ва ташкиллаштирилган спорт машғулотлари ҳуқуқбузарликни камайтирувчи энг кучли ҳимоя омилларидир³⁴.

Шунингдек, мазкур ёндашув ёшлар миёсидаги биокимёвий жараёнларни инобатга олган ҳолда, допамин (завқ гормони)га бўлган эҳтиёжни сунъий воситалар (алкогол, гиёҳвандлик) орқали эмас, балки табиий йўللар – спорт ва санъат орқали кондиришни таклиф этади. Бунини молиявий таъминлаш мақсадида давлат ҳар бир болага йиллик ваучерлар (*Leisure Card* – тахминан 330-400 АҚШ доллари) ажратади ва бу орқали уларни назоратсиз «кўча тарбияси»дан узоқлаштиради³⁵. Натижада, ўсмирлар ўртасида ичкиликбозлик даражаси 1998 йилдаги 42 фоиздан 2020 йилда 5 фоизга тушиб, ёшлар жиноятчилиги ўта паст даражада барқарорлашган³⁶. 2024 йилги таҳлиллар ҳафтасига 3-4 марта спорт билан шуғулланувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бир неча баробар паст эканлигини тасдиқлади³⁷.

Ёшларни жиноий адлия тизимидан “*чалғишуу*” (*diversion*) ва уларни эрта босқичда жиноятчи деб “*тамғалаш*”нинг олдини олиш бўйича Ирландия ва Янги Зеландия моделлари диққатга сазовордир.

Ирландияда “*Garda Youth Diversion Projects*” (*GYDP*) тизими *Labelling Theory* (Тамғалаш назарияси)га таянган ҳолда, ёш ҳуқуқбузарларга нисбатан дарҳол жиноят иши

³³ Planet Youth. (2025). *The Icelandic Prevention Model: 17 Years of Safety*. Reykjavik: ICSRA.

³⁴ ICSRA. (2025). *Youth in Iceland: 2024-2025 Data Analysis on Risk and Protective Factors*.

³⁵ Reykjavik City Council. (2024). *The Leisure Card Implementation Report*.

³⁶ Iceland National Commissioner of Police. (2024). *Crime Statistics Report 2024*.

³⁷ University of Reykjavik. (2024). *Impact of Sports on Youth Delinquency: A Longitudinal Study*.

қўзғатиш ўрнига, уларни махсус диверсия лойиҳаларига йўналтиради³⁸. 2025 йилда мамлакат бўйлаб 101 дан ортиқ лойиҳалар фаолият юритмоқда ва 8-11 ёшли болалар билан “*эрта аралашув*” (early intervention) амалиёти жорий этилган³⁹. Соҳага ажратилаётган бюджет маблағларининг 2020 йилга нисбатан икки баравар оширилиши (36 млн евро) ҳукуматнинг репрессиядан кўра профилактикага инвестиция киритаётганини кўрсатади⁴⁰. Шу билан бирга, 2024 йилда қабул қилинган «*Criminal Justice (Engagement of Children in Criminal Activity) Act 2024*» қонуни болаларни жиноятга жалб қилган катталарга нисбатан жавобгарликни кучайтириб, ёшлар учун ҳукукий қалқон вазифасини ўтамоқда⁴¹. Натижада, 2024 йилда тажовузкор ўғирлик 25 фоизга, талончилик 24 фоизга камайган⁴².

Янги Зеландия модели эса тубжой (Маори) кадриятларига асосланган *Family Group Conferences (FGC)* тизими орқали ажралиб туради. 1989 йилдаги *Children, Young Persons, and Their Families Act* асосида шаклланган ушбу тизим жазолашга эмас, балки зарарни қоплаш ва такрорланишнинг олдини олишга (accountability, reparation, prevention) қаратилган. Жараёнда ҳуқуқбузарнинг кенгайтирилган оила аъзолари фаол иштирок этади⁴³. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, FGC тизими ёшларда *Ж. Брейтуэйтнинг “қайта интеграцияловчи уят”* (reintegrative shaming) ҳиссини шакллантиради. Натижада, ҳозирги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг 75 фоизи полиция даражасида ҳал этилмоқда ва фақат 25 фоиз энг оғир ҳолатлар судга оширилмоқда⁴⁴.

Марказий Европада ёшлар жиноятчилигини камайтиришда қамокқа олишни *ultima ratio* (энг сўнгги чора) сифатида қўллаш тамойили устувордир. Австрияда “*Neustart*” ташкилоти ва пробация хизмати орқали ёшларга нисбатан тарбиявий чоралар (*Erziehungsmaßnahmen*) ва жабрланувчи билан ярашиш (Tatausgleich) механизмлари қўлланилади. Бунинг натижасида сўнгги 10 йил ичида ёшлар жиноятчилиги тахминан 15 фоизга камайган⁴⁵. Швейцарияда ўтказилган “*z-proso*” лойиҳаси таҳлиллари ҳам қатъий жазо чораларига қараганда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва терапия рецидив хавфини самаралироқ камайтиришини илмий асослаб берди⁴⁶.

Профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорликнинг энг такомиллашган шакли сифатида Даниянинг **SSP моделини** (*Мактаб – Ижтимоий хизмат – Полиция*) келтириш мумкин⁴⁷. Ушбу тизим уч даражали профилактикани (умумий, махсус ва индивидуал) қамраб олади ҳамда ваколатли органлар ўртасида, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилган ҳолда, тезкор ахборот алмашиш имконини беради. 2024 йилги тадқиқотлар SSP моделининг самарадорлиги тузилмавий ҳамкорликдан ташқари, мутахассислар ўртасидаги касбий ишончга асосланишини тасдиқлади⁴⁸.

³⁸ Department of Justice, Ireland. (2025). *Youth Justice Strategy 2021-2027: Mid-term Review*.

³⁹ An Garda Síochána. (2025). *Annual Report on Youth Diversion Projects*.

⁴⁰ Government of Ireland. (2025). *Budget 2025: Allocations for Youth Justice*.

⁴¹ Oireachtas. (2024). *Criminal Justice (Engagement of Children in Criminal Activity) Act 2024*.

⁴² Central Statistics Office (CSO). (2024). *Recorded Crime Statistics Q4 2024*.

⁴³ Oranga Tamariki Ministry for Children. (2024). *Family Group Conferences: Annual Statistics*.

⁴⁴ New Zealand Police. (2024). *Youth Justice Indicators Summary*.

⁴⁵ Bundesministerium für Justiz. (2024). *Sicherheitsbericht 2023-2024*. Vienna.

⁴⁶ University of Zurich. (2025). *z-proso: Zurich Project on Social Development from Childhood to Adulthood – Key Findings*.

⁴⁷ The Danish Crime Prevention Council. (2025). *The SSP Model: Strategy and Practice*.

⁴⁸ Aarhus University. (2024). *Trust and Legitimacy in Inter-agency Collaboration (SSP)*.

Осиё минтақасида етакчи бўлган Сингапур тажрибаси “Zero Tolerance” (*жиноятга тоқатсизлик*) тамойилини кучли реабилитация ва юқори технологик назорат билан уйғунлаштиргани билан аҳамиятлидир. Полиция тизимидаги “Triage System” (Саралаш тизими) ёшларни хавф даражасига кўра таснифлаб, енгил жиноят содир этганларни судсиз “Guidance Programme”га йўналтиради. Ушбу 6 ойлик дастурни тугатганлар судланганлик мақомидан озод этилади⁴⁹. Шу билан бирга, 2024 йилги таҳлиллар ёшлар ўртасида кибержиноятлар ва фирибгарликлар улуши ортаётганини (10.8% ўсиш) кўрсатмоқда, бу эса профилактика тизимида рақамли саводхонликни ошириш заруратини келтириб чиқаради⁵⁰.

Юқоридаги хорижий илғор амалиёт ва миллий ҳуқуқий база қиёсий таҳлили бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини самарали ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, хусусан 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ–406-сон Қонунида муайян тизимли бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу бўшлиқлар мазмунан учта асосий “ўзел”га келиб тақалади. Булар: а) *профилактиканинг далилларга таянадиган (evidence-based) мониторинг архитектураси етарлича нормативлаштирилмаганлиги*; б) *“эрта аралашув” босқичида идоралараро маълумот алмашинувининг ҳуқуқий регламенти мукамал эмаслиги*;

в) *ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда молиявий кафолатларнинг қонун даражасида тизимли мустаҳкамланмаганлигида намоён бўлади*.

Биринчи муаммога, бугунги кунда мамлакатда профилактиканинг илмий асосланмаганлиги амалдаги қонунчиликда ёшлар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумий чора-тадбирлар белгилаш каби йўналишлар мавжуд бўлса-да, криминоген ҳуққ-атворни шакллантирувчи “risk factors” (хавф омиллари)ни мунтазам, аноним, кенг қамровли ва ҳудудий кесимда аниқлайдиган институт сифатида миллий мониторинг механизми аниқ-равшан белгилаб қўйилмаганлиги билан ифодаланади. Натижада профилактика қарорлари кўп ҳолларда эмпирик далиллар билан тасдиқланган риск-профилларига эмас, балки умумий тасаввур ва эпизодик маълумотларга суянади. Бу эса ресурсларни “қайси ҳудудда қандай хавф устун?” деган саволга жавоб бермасдан тақсимлаш, профилактика таъсирчанлигини баҳолаш мезонларини заифлаштириш ва қайта алоқани (*feedback loop*) тўлиқ ишлатмасликка олиб келади. Исландия тажрибасидаги каби йилма-йил такрорланувчи, аноним социологик-психологик сўровлар орқали хавф омилларини локал даражада “карталаш” (*mapping*) профилактик сиёсатнинг илмий “ядриси” бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, миллий тизимда эса бу ядро ҳуқуқий нормалар даражасида алоҳида институт сифатида мустаҳкамланмаган.

Иккинчи муаммога, бугунги кунда идоралараро ахборот алмашинуви ва “эрта аралашув”нинг ҳуқуқий чекловлари — профилактиканинг энг муҳим нуктаси бўлган ҳуқуқбузарлик содир этилишидан олдинги босқичда мултидисциплинар ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ. Даниянинг SSP моделида таълим, полиция (ички ишлар) ва ижтимоий хизматлар ўртасида хавф сигнали пайдо бўлиши билан “кейс”ни биргаликда кўриб чиқиш ва ёшоар ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда мақсадли қўллаб-қувватлаш

⁴⁹ Singapore Police Force. (2024). *Guidance Programme Effectiveness Study*.

⁵⁰ Cyber Security Agency of Singapore. (2024). *Singapore Cyber Landscape 2024*.

механизмлари шаклланган. Миллий амалиётда эса идоралар кўпинча ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин ёки шахс расмий ҳисобга олинганидан сўнг фаоллашади; бу ҳолат профилактик тизимни “реактив” (оқибатга қараб) режимда ушлаб туриб, барвақт аниқлаш ва барвақт интервенция имкониятларини чеклайди. Муаммонинг туб сабаби — шахсга доир маълумотларни профилактика мақсадида алмашишнинг аниқ ҳуқуқий асослари, чекловлари, кафолатлари (махфийлик, пропорционаллик, мақсадлилик) ва процессуал тартиби қонун даражасида етарлича регламентлаштирилмаганидир.

Учинчи муаммога, бугунги кунда бўш вақтни мазмунли ташкил этишнинг молиявий кафолатлари — профилактиканинг муҳитга оид (environmental) ва ижтимоий капитални оширишга қаратилган қисмининг иқтисодий таянчи билан боғлиқ. Исландия ва Финляндия каби давлатларда спорт, маданият, санъат ва жамоатчилик фаолиятларига кириш имкониятини кенгайтирувчи “*ваучер*” ёки шу турдаги молиявий инструментлар ёшларни “кўча таъсири”дан узиш, ижтимоий боғлиқлик (bonding)ни кучайтириш ва девиант субмаданиятлар таъсирини пасайтиришда муҳим институт сифатида қўлланади. Ўзбекистонда “*Ёшлар дафтари*” каби ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд бўлса-да, у кўпроқ муҳтож қатламга йўналтирилган селектив ёрдам хусусиятига эга бўлиб, хавф гуруҳидаги ёшларни профилактика мақсадида “универсал ва тизимли” қамраб олишга мос келадиган, қонун даражасида кафолатланган молиявий инструмент сифатида тўлиқ шаклланмаган.

Келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида миллий қонунчиликни “*илмий мониторинг — молиявий профилактика — идоралараро эрта интеграция*” учлиги асосида институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш таклиф этилади. Мазкур ёндашувда ҳуқуқий янгиликнинг моҳияти фақат янги нормалар киритиш эмас, балки профилактик бошқарувни натижага йўналтирувчи (outcome-oriented) ва далилга асосланган (evidence-based) моделга ўтказишдан иборат.

Биринчи таклиф, бугунги кунда янги Ўзбекистонда илмий асосланган профилактика мониторингини жорий этиш ва профилактика қарорларининг эмпирик базасини шакллантиришга қаратилган. Шу мақсадда “*Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида*”ги Қонунга “**Ёшлар ижтимоий ҳолати ва хавф омилларининг миллий мониторинги**” деб номланган янги **19¹-модда** билан тўлдириш орқали ҳар йили умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва уюлмаган ёшлар ўртасида аноним ижтимоий-психологик сўровномалар ўтказиш, олинган натижалар асосида ҳар бир туман (шаҳар) кесимида “*Ёшлар ижтимоий хавфсизлиги харитаси*”ни шакллантириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшлар сиёсати бўйича дастурлари айнан ушбу харитада аниқланган хавф омилларини камайитиришга мос тарзда режалаштирилишини ҳуқуқий мажбурият сифатида белгилаш таклиф этилади. Бу норма профилактик фаолиятни “*чоратадбирлар рўйхати*”дан “*хавф омиллари асосида ресурс тақсимооти ва таъсирни баҳолаш*” тизимига айлантириш учун методологик таянч вазифасини бажаради.

“19¹-модда. Ёшлар ижтимоий ҳолати ва хавф омилларининг миллий мониторинги

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ваколатли давлат органи ҳар йили умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва уюшмаган ёшлар ўртасида аноним ижтимоий-психологик сўровномалар ўтказди.

Мониторинг натижалари асосида ҳар бир туман (шаҳар) кесимида “Ёшлар ижтимоий хавфсизлиги харитаси” шакллантирилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшлар сиёсати бўйича йиллик дастурлари айнан ушбу харитада аниқланган хавф омилларини бартараф этишга қаратилиши шарт”.

Иккинчи таклиф, “ижтимоий ваучер” тизимини қонун даражасида мустаҳкамлаш орқали профилактиканинг ижтимоий муҳитга таъсир қилувчи иқтисодий механизмларини яратади. Қонуннинг ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид нормасини (24-модда) “Ёшлар ижтимоий ривожланиш ваучери” ҳақидаги қоида билан тўлдириш таклиф этилиб, ваучер орқали ижтимоий хавф гуруҳига қирувчи ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг спорт, маданият ва санъат тўғаракларида бепул қатнашиши кафолатланади; тартиб ва молиялаштириш манбалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилади. Бунда ваучер — профилактиканинг “жазо”га эмас, “имконият”га таянувчи компонентларини молиявий жиҳатдан таъминлайдиган инструмент сифатида ишлайди ва профилактика субъектларининг фақат назорат эмас, балки ижтимоий интеграция ресурсларини таклиф этиш қобилиятини оширади.

Бугунги кунда, янги Ўзбекистонда ёшларни “кўча тарбияси”дан узиш ва фойдали машғулот билан банд қилишнинг иқтисодий механизмининг яратиш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг “Ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари” деб номланган 24-моддаси куйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади. Жумладан:

“Давлат ижтимоий хавф гуруҳига қирувчи ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларининг спорт, маданият ва санъат тўғаракларида бепул қатнашишини таъминлаш мақсадида “Ёшлар ижтимоий ривожланиш ваучери” тизимини жорий этади. Ваучердан фойдаланиш тартиби ва молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

Учинчи таклиф, бугунги кунда эрта огоҳлантириш ва идоралараро интеграцияни таъминлаш — профилактиканинг институционал ҳамкорлик архитектурасини кучайтиради. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунни “Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоралараро электрон ҳамкорлик” деб номланган 26¹-модда билан тўлдириш орқали таълим муассасалари, ички ишлар органи ва ижтимоий хизматлар вояга етмаган шахс ҳуққ-атворида ғайриижтимоий ҳаракатларга мойиллик белгилари аниқланганда, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ягона ҳимояланган электрон платформа орқали ўзаро маълумот алмашиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги сақланиши ва улардан фақат профилактик ҳамда ижтимоий реабилитация мақсадларида фойдаланилиши кафолатланиши белгиланади. Мазкур норма “реактив ҳамкорлик”дан “проактив ҳамкорлик”қа ўтиш учун ҳуқуқий рамка бўлиб, эрта аралашувни институционаллаштиради, бир вақтнинг ўзида эса махфийлик ва мақсадлилиқ кафолатлари орқали маълумотлар билан ишлашда ҳуқуқий балансни таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаммони ҳуқуқбузарликка айланмасдан олдин аниқлаш ва идоралараро тезкор ҳамкорлик қилиш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунга “Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоралараро электрон ҳамкорлик” деб номланган янги 26¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқдир.

“26¹-модда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоралараро электрон ҳамкорлик

Таълим муассасалари, ички ишлар органлари ва ижтимоий хизмат кўрсатиш органлари ёшларнинг хулқ-атворида зайриижтимоий ҳаракатларга мойиллик аниқланганда, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ягона ҳимояланган электрон платформа орқали ўзаро маълумот алмашиш ҳуқуқига эга.

Бунда шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги сақланиши ва улардан фақат профилактик ва ижтимоий реабилитация мақсадларида фойдаланилиши кафолатланади”.

Умуман олганда, тадқиқ этилган илғор хорижий тажриба (Исландия, Дания, Ирландия моделлари) асосида миллий қонунчиликка таклиф этилаётган янги механизмларнинг жорий этилиши ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши прогноз қилинмоқда.

Биринчидан, соҳада криминологик вазият тубдан ўзгариб, аноним мониторинг ва “эрта аралашув” тизими орқали латент (яширин) хавф омилларини барвақт аниқлаш ҳамда рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, “ижтимоий ваучер” ва манзилли профилактика орқали бюджет маблағларининг самарадорлиги таъминланиб, жамият учун жиноятчилик оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ “social cost” (ижтимоий харажатлар) қисқаради ва ёшларнинг инсон капитали сифатида ривожланишига замин яратилади.

Учинчидан, энг муҳими, мазкур ислохотлар натижасида ёшлар сиёсати ва профилактика тизими эскирган субъектив ёндашувлардан (маърузабозлик, тадбирбозлик) воз кечиб, илмий далилларга асосланган (evidence-based), рақамлаштирилган ва объектив институционал платформага трансформация қилинади.